

3-6/к



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



РЕСПУБЛИКА МАҶНАВИЯТ ВА МАҶРИФАТ МАРКАЗИ



**РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ КЕНГАШИННИГ
ҚАРОРИ**

**“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маҷрифий
қўриқ-танловини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури”нинг 22-банди ижроси юзасидан ёшларда мағкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан асраш, ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган “Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маҷрифий қўриқ-танловини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Маҷнавият ва маҷрифат маркази, Республика Олий таълим кенгаши қарор қиласиди:

1. Қуйидагилар:

“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маҷрифий қўриқ-танловини ўтказиш бўйича Ташиклий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маърифий кўрик-танловини (кейинги ўринларда – кўрик-танлов) ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ;

“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маърифий кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмитага:

кўрик-танловни иловалардаги низомларга мувофиқ барча олий таълим муассасаларида юқори савияда ташкил этиш;

чора-тадбирлар режасида белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда мониторингини юритиш;

қоида тариқасида танлов ғолибларини тақдирлаш номинациялар бўйича ҳар йили “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни” ҳамда “8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни” умумхалқ байрами арафасида ташкил этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринбосари Ю.Абсоатов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари М.Қуронов зиммаларига юклатилсин.

Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазири

А.Тошқулов

Тошкент ш.,
2021 йил “25” 8 наф

3-б/к-сон



Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Б.Юлдашев

Тошкент ш.,
2021 йил “25” 1 наф

1/2-сон





Республика Маънавият ва
маърифат маркази

М.Ходжиматов

Тошкент ш.,
2021 йил "25" июна,

11-68-сон

Республика олий таълим кенгаси
раиси



Ў.Умурзаков

Тошкент ш.,
2021 йил "25" июна

2-RK -сон

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил “25 8ибарб 3-к/к,
 Фанлар академиясининг 2021 йил “25 8ибарб 1/2”,
 Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил “25 8ибарб 1/1-кк
 Республика Олий таълим кенгашининг 2021 йил “25 8ибарб 2-кк -сон
 қарорига **1-ИЛОВА**



**“Ислоҳотлар билимдони” қонг тармоқли республика
илмий-маърифий қўрик-танловини ўтказиш бўйича
Ташкилий қўмита таркиби**

№	ФИШ	ИШ ЖОЙИ ВА ЛАВОЗИМИ
1.	Абсоатов Юсуф Қодирович	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринbosари, <i>Ташкилий қўмита раиси</i>
2.	Қуронов Муҳаммаджон	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринbosари, <i>раис ўринbosари</i>
3.	Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович	Фанлар академияси вице-президенти, <i>раис ўринbosари</i>
4.	Жамолдинова Одина Расуловна	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири маслаҳатчisi, <i>аъзо</i>
5.	Бабашев Фарҳод Айтмуратович	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати бошлиғи-матбуот котиби, <i>аъзо</i>
6.	Базаров Отабек Хасанбоевич	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи, <i>аъзо</i>
7.	Ҳамраев Максуджон Саидхамадович	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи, <i>аъзо</i>
8.	Худойкулов Адҳам Юсупович	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи, <i>аъзо</i>
9.	Ботиров Мирзоҳид Исмонхўжаевич	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази директори, <i>Ташкилий қўмита котиби</i>
10.	Сайдов Жамшид Суюнович	Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси, <i>аъзо</i> <i>(келишув асосида)</i>
11.	Элмиров Камол Ортикович	Ўзбекистон Бадиий академияси бошқарма бошлиғи ўринbosари, <i>аъзо (келишув асосида)</i>
12.	Шуҳрат Маматжонов	Геология фанлари университети бўлими бошлиғи, <i>аъзо (келишув асосида)</i>
13.	Мирзанов Шерзод Сирлибоевич	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети проректори, <i>аъзо (келишув асосида)</i>
14.	Улмасова Лобархон Одиловна	Транспорт вазирлигининг Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш сектори бошлиғи, <i>аъзо (келишув асосида)</i>
15.	Алимкулов Элёр Абдувалиевич	Дин ишлари бўйича қўмитаси бўлими бош мутахассиси, <i>аъзо</i> <i>(келишув асосида)</i>
16.	Абдуллаев Жавохир Нематжон ўғли	Адлия вазирлиги бошқарма ходими, <i>аъзо (келишув асосида)</i>
17.	Эшмуородов Сухроб Турсоатович	Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, <i>аъзо (келишув асосида)</i>
18.	Мансуров Зокир Хусанович	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқармаси етакчи мутахассиси, <i>аъзо (келишув асосида)</i>

Изоҳ. Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли мажбуриятларни бажариш юклатилган шахслар ва зарурият бўлганда бошқа шахслар киритилиши мумкин.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил “25” 966/26/1/1
 Фанлар академиясининг 2021 йил “25” 966/26/1/1-55
 Республика Манъавият ва маърифат марказининг 2021 йил “25” 966/26/1/1-55 -сон
 Республика Олий таълим кенгашининг 2021 йил “25” 966/26/1/1-55
 карорига 2-ИЛОВА

“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли Республика илмий-маърифий кўрик-тандловини ўтказиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Г/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан тасдиқланган “Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маърифий кўрик-тандловини ўтказиш тўғрисидаги тизимдаги ташкилотлар тизимдаги ташкилотлар ва муассасаларга ижро учун юборилади.	1. Ҳар бир идора томонидан кўшма карор тизимдаги ташкилотлар ва муассасаларга ижро учун юборилади.	2021 йил 30 январь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Манъавият ва маърифат маркази
2.	Ёшлиарда мафкуравий иммуниитетни кучайтириш, уларни тарбибот режаси ишлаб чиқилади. турли ёт гоя ва тахдидлардан асрар, ўз мустакил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга каратилган “Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли Республика илмий-маърифий кўрик-тандлови хакида ташкил этиши	1. Ҳар бир олий таълим муассасасида тарбибот режаси ишлаб чиқилади. 2. Режа асосида олий таълим тарбибот ишлари амалга оширилади.	2021 йил февраль режа асосида	Олий таълим муассасалари ва филиаллари, Республика Манъавият ва маърифат маркази ва унинг худудий бўлимлари, бошқа манбаатдор идоралар

<p>3.</p> <p>“Ислохотлар билимдөнү” көңг тармокчи Республика Илмий-Маърифий күрик-тандловининг олий таълим муассасаси боскичини юкори савияда ташкил этиши ва ўтказиш</p>	<p>1. Худудлардаги мутасадди идоралар билан биргаликда тасдиқланган низом асосида кўрик-тандловни юкори савияда ташкил этиши.</p> <p>2. Кўрик-тандлов ғолиби ва совриндорларини аниқлаш хамда уларни муносаб тақдирлаш.</p> <p>3. Кўрик-тандлов ғолибини Республика боскичида иштирок этишини таъминлаш.</p>	<p>Низомга мувофиқ мувофиқ</p>	<p>Олий таълим муассасалари ва филиаллари, Республика Маънавият ва маърифат марказини ва унинг худудий бўлимлари, бошқа манфаатдор идоралар</p>
<p>4.</p> <p>“Ислохотлар билимдөнү” көңг тармокчи Республика Илмий-Маърифий кўрик-тандловининг олий таълим муассасаси боскичини юкори савияда ташкил этиши ва ўтказиш</p>	<p>1. Мутасадди идоралар билан биргаликда тасдиқланган низом асосида кўрик-тандловни юкори савияда ташкил этиши.</p> <p>2. Кўрик-тандлов ғолиби ва совриндорларини аниқлаш хамда уларни муносаб тақдирлаш.</p>	<p>Низомга мувофиқ мувофиқ</p>	<p>Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази Олий таълим муассасалари ва филиаллари</p>
<p>5.</p> <p>“Ислохотлар билимдөнү” көңг тармокчи Республика Илмий-Маърифий кўрик-тандловининг олий таълим муассасаси боскичини юкори савияда ташкил этиши ва ўтказиш</p>	<p>1. Кўрик-тандловнинг барча боскичини OAB ва ижтимоий тармокларда кенг ёритиши.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари ва филиаллари</p>

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил “25 ғибадати мактаба

Фанлар академиясининг 2021 йил “25 ғибадати мактаба

Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил “25 ғибадати мактаба

Республика Олий таълим кенгашиниң 2021 йил “25 ғибадати мактаба

3-ИЛОВА

*зикр б 3-к/к,
зикр б 1/1-кк*

**“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика
илемий-маърифий кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом олий таълим муассасалари педагог ходимлари, талабалар ўртасида “Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илемий-маърифий кўрик-танловини (кейинги ўринларда – “Кўрик-танлов”, деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур кўрик-танлов “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури”нинг 22-бандида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган.

3. Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

“Энг фаол миллий гоя ва маънавият тарзиботчиси” номинацияси;

“Маънавий-маърифий ишлар бўйича энг яхши кафедра” номинацияси;

“Энг яхши гурӯҳ мураббийси” номинацияси;

“Энг фаол хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси” номинацияси;

“Энг фаол ислоҳотлар тарзиботчиси” номинацияси.

4. Кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари масъул ташкилотлар этиб белгиланади.

II. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари

5. Педагог ходимлар ва талаба-ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, таълим муассасаси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини, ахборот эркинлигини таъминлашдек демократик ислоҳотларни чуқур ўрганиш, шунингдек, улар онгода янгиланаётган Ўзбекистонда учинчи Ренессанснинг пойдевори қўйилганлигига ижтимоий муносабатни ҳамда юрт тинчлиги, ватан равнақини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган мисли кўрилмаган ютуқларга нисбатан дахлдорлик туйғусини, мафкуравий иммунитетини шакллантириш мақсадида ташкил этилади.

6. Кўрик-танловни ташкил этиш орқали қуйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

ёшларни “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш!” ғояси атрофида бирлаштириш, таълим ва тарбия тизими узвийлигини таъминлаш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган қонун хужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш;

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-ахлоқий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалиётга жорий этиш;

аҳоли, айниқса талаба-ёшларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш;

республика олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог ходимлар, билим олаётган ёшларнинг ижодий фаоллиги ва сиёсий маданиятини ошириш;

ёшлар онгига Ўзбекистонда миллий тикланишдан миллий юксалиш сари олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунини тушуниш ва уни қадрлаш даражасини аниқлаш;

мамлакатимизда интеллектуал мулкни аниқлаш ва уларнинг ижодий фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш

7. Кўрик-танловнинг “Энг фаол миллий ғоя ва маънавият тарғиботчиси”, “Маънавий-маърифий ишлар бўйича энг яхши кафедра”, “Энг яхши груп мураббийси” ва “Энг фаол хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси” номинацияларида олий таълим муассасасининг педагог ходимлари, “Энг фаол ислоҳотлар тарғиботчиси” номинациясида олий таълим муассасасининг талabalари иштирок этиши мумкин.

8. Кўрик-танловда иштирок этишни хоҳловчилар 1-иловага мувофиқ олий таълим муассасаларининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими(хорижий ОТМларда ёшлар билан ишлаш бўйича масъуллар)га аризалар билан мурожаат қилиб, ўзи ҳақидаги тегишли маълумотларни тақдим этади.

9. Аризалар ҳар йили **15 апрелдан 15 майгача** қабул қилинади.

10. Кўрик-танлов 2 (икки) босқичда бўлади ҳамда унинг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати ташкил этилади. Бунда:

Республика босқичи учун – Ташкилий қўмита;

Олий таълим муассасаси босқичи учун – олий таълим муассасаси масъул ҳисобланади.

Ҳакамлар ҳайъати таркиби Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг

ҳудудий бўлимлари, олий таълим муассасасининг педагог ходимлари ҳамда бошқа тегишли мутахассислардан ташкил топиши мумкин.

11. Биринчи босқич – аризалар қабул қилиш ва саралаш босқичи бўлиб, бунда кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлардан аризалар қабул қилинади ҳамда улар **2 та шарт** бўйича сараланади.

1-шарт. Номзодларнинг номинация бўйича амалга оширган ишларининг самарадорлиги ва натижадорлиги таҳлили (хужжатлар асосида) – **50 (эллик) балл;**

2-шарт. Соҳага доир саволлардан иборат тест синови (ёки сухбат) асосида – **50 (эллик) балл.**

2 (икки) та шарт бўйича жами 100 (юз) балл тўпланади.

1-шарт ҳар йили 20 май 1 июнь кунлари оралиғида ўтказилади.

2-шарт ҳар йили 1 июнь 10 июнь кунлари оралиғида ўтказилади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан номзодлар йўналиш бўйича амалга оширган ишлари таҳлили ҳамда миллий ғоя ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳага оид тест саволларига жавоб бериши (ёки мавзулар бўйича сухбат) орқали баҳоланади.

Номинациялар бўйича амалга оширган ишлари ҳамда тест (ёки сухбат) натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган ғолиб (низомнинг 7-бандига асосан) кўрик-танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш хуқуқини қўлга киритади.

12. Кўрик-танловнинг ҳар бир номинацияси бўйича олий таълим муассасаси босқичида ғолиб деб топилган иштирокчиларнинг хужжатлари ҳар йили 1 июлдан кечиктирмаган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан 2-иловага мувофиқ Ташкилий қўмитага юборилади.

13. Иккинчи босқич – Республика босқичи бўлиб, ҳар йили август-сентябрь ойлари давомида 2 та шарт бўйича ўтказилади. Ушбу босқич иштирокчилари Ташкилий қўмита томонидан ташкил этилган Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

1-шарт. Ҳар йили 20 август 1 сентябрь кунлари оралиғида номзодларнинг хужжатлари сараланади ва йўналиши бўйича амалга оширган ишлари энг юқори баҳоланган 15 нафаргача номзод кейинги шартда иштирок этиш хуқуқини қўлга киритади.

2-шарт. Ҳар йили 1 сентябрь 10 сентябрь кунлари оралиғида номзодлар танлаган номинацияси бўйича амалга оширган ишлари ҳақида тақдимот (мультмедиа) қилиб беради. Тақдимотлар натижасига кўра, Ҳакамлар ҳайъати томонидан 1, 2, 3-ўринларга муносиб номзодлар аниқланади.

14. Белгиланган муддатдан кеч тақдим этиладиган хужжатлар қабул қилинмайди.

15. Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларга қўйилган баллар teng бўлиб қолганда, Ҳакамлар ҳайъати раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

16. Кўрик-танловнинг якуний натижалари Ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан расмийлаштирилади.

IV. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

17. Кўрик-танловнинг биринчи босқичи, 1-шарти – номзодлар йўналиш бўйича турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра сухбатлари, викториналар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этганлиги, шунингдек аҳоли, айниқса талаба-ёшларни жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида амалга оширган ишлари ҳамда натижалари тўғрисида аниқ ва асосли маълумотлар, шунингдек, талabalар турар жойи, ижарада ва хусусий хонадонларда яшовчи талabalар билан олиб борилган маънавий-маърифий ишлар ҳисботлари, бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилган ишлар (максимал балл – 25 балл);

Булар қуйидагича баҳоланади:

T/p	Баҳолаш мезони	Балл
1.	Номзоднинг танлаган номинацияси йўналишида ёшлар (тengдош) билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишларнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичи	25
1.1.	Маънавий-маърифий ишлар сифати даражаси ва йўналиши бўйича олиб борилган ишлар самарадорлиги	5
1.2.	Талabalар турар жойларида ёшларнинг дам олиши ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этилиши, шунингдек, ижара ва яқин қариндошиникида яшовчи талаба-ўқувчилар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати	5
1.3.	Коррупциянинг олдини олишга қаратилган ишлар натижадорлиги ҳамда профессор-ўқитувчи ва ўқувчи талabalарнинг Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардорлиги, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, хуқуқий соҳалардаги билим даражаси кўрсаткичи ҳамда фаолияти юзасидан ОАВ ва ижимоий тармоқлардаги чиқишлари, илмий-оммабоп мақолалари (“Ахборот ва мураббийлик соатлари” таҳлили ва бошқа ҳужжатлар)	7
1.4.	Таълим муассасасида 5 та муҳим ташабbusнинг ижросида номзоднинг ўрни (<i>Ташкил этган клублари ва қамраб олингандар контингенти (умумий контингентга нисбатан фоизда)</i>) ҳамда бу борада амалга оширган ишлар натижадорлиги	8

Шунингдек, номзодларнинг олий таълим муассасасидаги фаолияти давомида қўлга киритган ютуқлари, жумладан, фахрий ёрликлар, сертификатлар, диплом ва ташаккурномалар ва бошқалар (максимал балл – 25 балл).

Булар қуидагича баҳоланади:

т/р	Ютуқнинг даражаси	сони (0-9 та)	сони (10-19 та)	сони (20+ та)
1.	Таълим муассасаси ёки туман (шаҳар) миқёсида	1 балл	2 балл	3 балл
2.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят миқёсида	2 балл	3 балл	4 балл
3.	республика миқёсида	3 балл	4 балл	5 балл
4.	хорижий давлатлар миқёсида	4 балл	5 балл	6 балл
5.	Кўкрак нишони (1+)	3 балл		
6.	Давлат мукофоти (1+)	4 балл		
	Жами балл			25 балл

18. Кўрик-танловнинг биринчи босқичи, 2-шарти – тест синови (ёки сухбат) Ҳакамлар ҳайъати томонидан тузилган миллий гоя ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳага оид 25 та тест саволларига (ёки 5 та мавзу бўйича сухбат, ҳар бир мавзу 10 балл, жами 50 балл) жавоб бериб, ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл белгиланади.

19. Кўрик-танловнинг республика босқичи 2 та шарт бўйича ўтказилади ҳамда Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

1-шарт. Номзодларнинг ҳужжатлари ушбу низомнинг 17-бандига мувофиқ сараланади ва амалга оширган ишлари энг юқори баҳолангандан 15 нафаргача номзод кейинги шартда иштирок этиш хуқуқини қўлга киритади.

2-шарт. Номзодлар танлаган номинацияси бўйича амалга оширган ишлари, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни баратараф этиш бўйича инновацион таклифлар, амалиётга татбиқ этиш мумкин бўлган илфор тажрибалар ҳақида 10-15 дақиқалик тақдимот (слайдли) қилиб беради. Номзоднинг тайёрлаган тақдимоти, нотиқлик маҳорати, шахсий имиджининг борлиги, маъruzada янгиланаётган Ўзбекистондаги ислоҳотлар моҳиятини изчил мантиқий асослаш қобилияти, дахлдорлик туйғусининг намоён этилишига, шунингдек, Ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб бериш орқали баҳоланади.

Барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб ҳисобланганда, энг юқори кўрсаткичга эришган иштирокчилар ўртасида I, II ва III ўринларни тақсимлаш Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ҳал этилади.

V. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

20. Кўрик-танловнинг олий таълим муассасаси (биринчи) босқичида юқори 3 та ўринни эгаллаган иштирокчилар олий таълим муассасалари

томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар, шунингдек, танловда фаол иштирок этган қатнашчилар учун таълим муассасаси раҳбарининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади.

21. Кўрик-танловнинг республика босқичида ғолиб бўлган иштирокчиларни рағбатлантириш Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

22. Кўрик-танлов ғолиби ва совриндорлари қуидаги тартибда пул маблағлари ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг дипломлари ҳамда статуэткалари билан рағбатлантирилади:

т/р	Номинация номи	Эгаллаган ўрни	Диплом ва статуэтка	Пул мукофотининг миқдори
1.	“Энг фаол миллий ғоя ва маънавият тарғиботчиси”	1-ўрин	I даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 баравари
		2-ўрин	II даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари
		3-ўрин	III даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари
2.	“Маънавий-маърифий ишлар бўйича энг яхши кафедра”	1-ўрин	I даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 баравари
		2-ўрин	II даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари
		3-ўрин	III даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари
3.	“Энг яхши гурӯҳ мураббийси”	1-ўрин	I даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 баравари
		2-ўрин	II даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари
		3-ўрин	III даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари
4.	“Энг фаол хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси”	1-ўрин	I даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 баравари
		2-ўрин	II даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари
		3-ўрин	III даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари
5.	“Энг фаол ислоҳотлар тарғиботчиси”	1-ўрин	I даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари
		2-ўрин	II даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари
		3-ўрин	III даражали диплом ва статуэтка	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари

23. Кўрик-танловнинг республика босқичи қатнашчиларига “Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика илмий-маърифий кўрик-танлови иштирокчиси сертификати берилади.

24. Кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ зарур сарф-харажатлар учун маблағ

Ташкилий қўмита томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Вазирлик хузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказиб берилади ҳамда галибларни тақдирлаш тадбири юқори савияда ташкил этилади.

VI. Якуний қоидалар

25. Кўрик-танловнинг ишчи тили: Давлат тили.
26. Кўрик-танловга келиб тушган ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 6 ой муддат давомида сақланади.
27. Кўрик-танловлар натижалари ОАВда эълон қилиб борилади.
28. Кўрик-танлов иштирокчиси (бошқа шахс) томонидан танловнинг республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, унинг натижаси билан боғлиқ мурожаат(эътиroz)лар қабул қилинмайди.

“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли
республика илмий-маърифий кўрик-танловини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

**“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика
илмий-маърифий кўрик-танлови иштирокчиси
АРИЗА АНКЕТАСИ**

ФИШ _____

Номинация номи _____

Фото

Туғилган йили, ой ва куни _____

Миллати _____

Лавозими (тўлиқ) (ёхуд факультети (йўналиши) ва курси) _____

Паспорт маълумоти (Серияси ва рақами) №_____

Ким томондан ва қачон берилган _____

ИМЗО

сана



“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли
республика илмий-маърифий кўрик-танловини
үтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

**“Ислоҳотлар билимдони” кенг тармоқли республика
илмий-маърифий кўрик-танловининг республика босқичида
иштирок этиш учун тақдим этиладиган хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Олий таълим муассасаси раҳбарининг хати.
2. Ариза анкетаси.
3. Ишлаётгани (ўқиётгани) тўғрисида маълумотнома.
4. Фолиб бўлганини тасдиқловчи хужжат нусхаси (диплом ва баён нусхаси).
5. Хужжатлар йифмажилди.